

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАТАМОВ АКБАР ҲУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ПАРРАНДАЛАР САЛМОНЕЛЛЁЗИ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ,
ДИАГНОСТИКАСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ**

**16.00.03-Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Хатамов Акбар Худойбердиевич

Паррандалар салмонеллёзи эпизоотологияси, диагностикаси ва унга қарши
курашни такомиллаштириш тадбирлари.....3

Хатамов Акбар Худойбердиевич

Эпизоотология, диагностика салмонелезов птиц и усовершенствование мер
борьбы с ними.....23

Khatamov Akbar Khudoyberdiyevich

Epizootiology, diagnosis of avian salmonellosis and improvement measures to
contend against it.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАТАМОВ АКБАР ҲУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ПАРРАНДАЛАР САЛМОНЕЛЛЁЗИ ЭПИЗОТОЛОГИЯСИ,
ДИАГНОСТИКАСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ**

**16.00.03-Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/V74 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ssuv.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Салимов Ҳант Салимович
ветеринария фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Мамадуллаев Гулмурод Хамидович
ветеринария фанлари доктори, катта илмий ходим
Ахмедов Баходир Назарович
ветеринария фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019 V.12.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил « 20 » 02 соат « 11⁰⁰ » даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел/факс.: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14314 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел/факс.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2024 йил « 9 » 02 куни тарқатилди.
(2024 йил « 9 » 02 даги № 1 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлган паррандачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини экологик тоза ва таннархи арзон парранда маҳсулотларига (парранда гўшти, тухум) бўлган талабини қондириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Паррандачилик маҳсулотлари, шу жумладан гўшт ва тухум инсон истеъмоли учун парҳез оксилнинг энг муҳим манбаларидан биридир. Дунёда паррандачилик гўшт истеъмоли бўйича етакчи соҳага айланди, чунки қисқа муддатда паррандалардан парҳезбоп, таннархи арзон гўшт олиш имконияти мавжуд. Масалан, «бир бирлик қорамол гўшти етиштириш учун сарфланган озуқа энергиясига 2,3 баробар парранда гўшти ва 2,1 баробар тухум олиш мумкин»¹. Бунга саноат паррандачилигини интенсифлаштириш, ишлаб чиқариш қувватини ва уларни сақлашда кичик юзада бош сонини ошириш орқали эришиш мумкин. Аммо паррандачиликда юқори самарадорликка эришиш учун уларда учрайдиган инфекциялар касалликлар, шу жумладан сальмонеллез катта тўсиқ бўлмоқда.

Дунё мамлакатларининг паррандачилик хўжаликлари жўжаларнинг салмонеллез оқибатида нобуд бўлиши, маҳсулдорлигининг пасайиши, касалликни олдини олиш, даволаш ва чеклов тадбирларини жорий этишга қилинган харажатлар туфайли катта иқтисодий зарар кўрмоқда. Салмонеллалар билан зарарланган тухум ва паррандалар гўшт маҳсулотлари одамларда озиқ-овқат токсикоинфекциясининг асосий манбаи ҳисобланади. Тиббий статистика маълумотларига кўра, салмонелла этиологияли токсикоинфекциялар дунёнинг деярли барча мамлакатларида учрайди ва сўнгги йигирма йил ичида одамлар орасида уларнинг кўпайиши биринчи навбатда уй ҳайвонлари ва паррандалар сальмонеллезининг тарқалиши билан боғлиқ. Шу боисдан паррандаларда сальмонеллезни диагностика қилиш ва унга қарши курашиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикамиз паррандачилик саноатида, айниқса, кичик фермер хўжаликларида мавжуд бўлган паррандаларнинг салмонеллезига қарши соғломлаштириш тадбирлари, бугунги кунда эпизоотияга қарши курашнинг барча жабҳаларини қамраб ололмапти. Шунинг учун кўп тармоқли фермер хўжаликлар фаолиятини тизимлаштириш, паррандалар салмонеллезини тарқалишида энзоотияни устун бўлишини ҳисобга олган ҳолда, касалликни самарали олдини олиш ва даволаш ўз ечимини кутаётган масалалардан саналади. Шу сабабли, паррандалар салмонеллезини даволаш ва олдини олиш учун муқобил даволаш усулларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Салмонеллезга қарши курашда антибиотикотерапия билан бир қаторда экологик хавфсиз фаготерапия ва пробиотикотерапияга эътиборни кучайтириш керак. Патоген микроорганизмларнинг чидамли штаммларининг кўпайишини олдини олишда

¹ Фисинин В. И. Тренды развития мирового и российского птицеводства: состояние и вызовы будущего // В сб. – 2015. – Т. 25. – С. 3-11.

пробиотиклар ва уларнинг ҳосилаларидан фойдаланиш анъанавий антибиотиклар билан даволашнинг истиқболли альтернатив усули ҳисобланади. Улар антибиотиклардан фарқли ўлароқ, ножўя таъсирларсиз узок вақт давомида қўллаш имконини беради ва паррандалар салмонеллезини даволаш ва олдини олишда муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»²ги фармони, 2021 йил 14 июнидаги ПҚ-5146-сон «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2022 йил 15 июндаги ПҚ 281-сон «Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»³, 2022 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026-йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-120-сон, «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-121-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган вазифаларни самарали амалга оширишда диссертацияда келтирилган тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Паррандалар салмонеллезининг эпизоотологияси, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш бўйича Республикамиз олимлари: Ф.А. Ниязов, Х.К.Бурхонова, Б.Н.Ахмедов, Э.Махсудалиев, С.А.Кубаевлар томонидан маълум даражадаги илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Хориж олимлари: А.Н.Борисенкова, Б.Ф.Бессарабов, Н.В.Пименов, А.Н.Куриленко, Т.Н.Рождественская, В.В.Салаутин, Н.В.Данилевская, М.Г.Кайтмазова, N. A.Cox, S.L.Foley, V.Vole-Nibovsekлар томонидан бу муаммо чуқур ва атрофлича ўрганилган. Бироқ, ўтказилган тадқиқотлар паррандалардаги салмонеллез муаммосини тўлиқ бартараф этиш учун етарли эмас.

Ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар паррандачиликнинг барча тармоқларида салмонеллезга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни тизимлаштириш, касалликнинг эпизоотологиясини ўрганиш, лаборатория текширувлари натижасида ишончли ташхис қўйиш, паррандаларда

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармони.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги ПҚ-281-сон “Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

салмонеллэзни даволашнинг янги экологик тоза ва хавфсиз усуллари яратиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг ПЗ-2020123121 рақамли «Парранда ва қуёнлар касалликларини олдини олувчи ва даволовчи экологик тоза маҳаллий пробиотиклар яратиш» (2021-2023 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади паррандалар салмонеллэзини бактериологик диагностика қилиш асосида тарқалиш даражасини аниқлаш, уларни замонавий антибиотик ҳамда экологик хавфсиз маҳаллий пробиотик воситалар ёрдамида даволаш ва унга қарши кураш тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

паррандаларнинг салмонеллэзи бўйича Республиканинг Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг айрим паррандачилик хўжаликларида эпизоотик ҳолатни ҳамда қўзғатувчининг этиологик таркибини ўрганиш;

салмонеллэз билан касалланган паррандалардан ажратилган салмонелла штамmlарининг культурал-морфологик, тинкториал, биокимёвий ва вирулентлик хусусиятларини ўрганиш;

ин-витро усулда салмонелла штамmlарининг замонавий антибактериал препаратларга сезувчанлигини ҳамда юқори сезгирликни номоён этган препаратларнинг касалликни даволаш самарадорлигини ўрганиш;

ин-витро усулда маҳаллий *Lactobacillus* ва *Bacillus subtilis* пробиотик штамmlарининг салмонелла қўзғатувчиларига антогонистик фаоллигини ўрганиш;

бройлер жўжаларнинг экспериментал салмонеллэзида маҳаллий *Lactobacillus* ва *Bacillus subtilis* пробиотик штамmlарининг терапевтик ва профилактик самарадорлигини ўрганиш;

экспериментал салмонеллэзда антибиотик ва пробиотик препаратларини гўшт йўналишидаги бройлер жўжаларининг маҳсулдорлиги ва соғлигини тиклашга таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг айрим паррандачилик хўжаликларидан салмонеллэзга гумон қилиб келтирилган патологик намуналар, антибактериал препаратлар ва маҳаллий пробиотик штамmlари. Самарқанд вилояти «Илонсой ломан» паррандачилик хўжалигидан олиб келинган тухум йўналишидаги Ломан Браун ҳамда «Навобот насл парранда» МЧЖ гўшт йўналишидаги «РОСС-308» кроссига мансуб товар хўжалиги бройлер жўжалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида салмонеллэз билан касалланган паррандаларнинг клиник, морфологик, биокимёвий, микробиологик ва патологоанатомик кўрсаткичлари, ушбу касалликни даволаш ва олдини олиш учун қўлланилган антибактериал препаратлар ва маҳаллий пробиотик штамmlардан фойдаланилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда эпизоотологик, клиник, морфологик, микробиологик усуллардан фойдаланилган ҳамда олинган натижаларга статистик усулда ишлов берилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятларининг айрим тухум ва гўшт йўналишидаги паррандачилик хўжаликларида салмонеллэзнинг эпизоотологик ҳолати ҳамда касалланган товуқ ва жўжаларда *S. enteritides*, *S. typhimurium*, *S. gallinarum-pullorum* ва бошқа салмонелла серотурлари аниқланган;

тухум ва гўшт йўналишидаги салмонеллэз билан касалланган товуқ ва жўжалардан ажратилган маҳаллий *S. enteritidis* ва *S. typhimurium* штаммларининг $\dot{U}D_{50}$ ва $\dot{U}D_{100}$ кўрсаткичлари аниқланган;

маҳаллий *Lactobacillus* (*Weissella viridescens* WV-1, *Weissella cibaria* WC-2, *Lactobacillus plantarum* T-1, *Lactobacillus sakei*) ва *Bacillus subtilis* (*Bacillus subtilis* T-8, *Bacillus subtilis* L.1 ва *Bacillus subtilis* D.K) пробиотик штаммларининг салмонелла кўзғатувчиларига нисбатан антогонистик фаоллиги юқори бўлиши илмий асосланган;

жўжаларда салмонеллэзни даволаш ва олдини олишда улар ҳаётининг дастлабки кунидан бошлаб 1 литр ичимлик сувига/3,5 мл (2,5 мл *Lactobacillus* (1мл- 2.5×10^7 КХҚБ.) + 1мл. *Bacillus subtilis* (1мл- 1×10^7 КХҚБ.) антогонистик фаоллиги юқори бўлган *Lactobacillus* ва *Bacillus subtilis*нинг маҳаллий штаммаларидан тайёрланган пробиотик препаратларни антибиотикларга альтернатива сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

паррандалар салмонеллэзи кўзғатувчилари бўлган маҳаллий *S. enteritidis* ва *S. typhimurium* штаммларига қарши вакцина ва биопрепаратларнинг самарадорлигини ўрганиш учун муҳим бўлган $\dot{U}D_{50}$ ва $\dot{U}D_{100}$ кўрсаткичлари юқори аниқликда ҳисоблаб чиқилган;

паррандалар салмонеллэзини даволашда антогонистик фаоллиги юқори бўлган пробиотик препаратлардан фойдаланиш бройлер жўжалар соғлигини қайта тиклашга ва маҳсулдорлигини ошишига имкон яратган;

бройлер жўжалар ҳаётининг дастлабки кунидан бошлаб 1 л. ичимлик сувига/3,5 мл маҳаллий штаммалардан тайёрланган *Lactobacillus* ва *Bacillus subtilis* пробиотик мажмуасидан фойдаланиш паррандалар салмонеллэзида юқори терапевтик ва профилактик самара берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажрибаларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан чуқур илмий таҳлил қилинганлиги, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг апробация комиссияси томонидан илмий-тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий-тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти паррандалар салмонеллэзи

кўзгатувчиларининг културал морфологик, биокимёвий хусусиятларини аниқлаш учун дифференциал диагностик озуқа муҳитларига экиш орқали ташхис қўйиш услуби илмий асосланганлиги, вирулентлик кўрсаткичлари (ЎД₅₀ ва ЎД₁₀₀) илмий асосда аниқланганлиги ва салмонеллаларга қарши курашда маҳаллий пробиотик штаммларнинг терапевтик ва профилактик самарадорлиги илмий асосда аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти паррандалар салмонеллэзи кўзгатувчиларига антогонистик фаоллиги юқори бўлган *Lactobacillus* ва *Bacillus subtilis* штаммларидан тайёрланган пробиотиклар мажмуасининг касалликка қарши курашиш самарадорлиги юқори бўлиши илмий асосланганлиги ва амалий тавсиялар берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паррандалар салмонеллэзи эпизоотологияси, диагностикаси ва унга қарши курашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Паррандалар салмонеллэзи диагностикаси ва унга қарши курашиш чоралари бўйича тавсиянома» тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 14 августдаги 02/23-333-сон маълумотномаси). Натижада паррандачилик хўжаликлари ҳамда аҳоли қармоғидаги паррандаларнинг салмонеллэзига ўз вақтида ва тўғри ташхис қўйишга ҳамда ушбу касалликка қарши курашишда юқори самарадорликка эришилган;

бойитилган электив ҳамда селектив дифференциал диагностик озуқа муҳитлари (Эндо, Плоскирев, Левин, Висмут – сульфит, Салмонелла-Шигеллосис, ХЛД ва Бриллиант яшил агарлари) ёрдамида салмонеллаларни патологик материаллардан самарали ажратиб олиш ва уларни бошқа энтеробактериялардан фарқлашда фойдаланилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 14 августдаги 02/23-333-сон маълумотномаси). Бу билан лаборатория амалиётида кўзгатувчиларни ўзаро дифференциациялашга эришилган;

паррандалар салмонеллэзига қарши курашишда жўжалар ҳаётининг дастлабки кунидан бошлаб 1 литр сувга/3,5 мл. (2,5 мл *Lactobacillus* (1мл- $2,5 \times 10^7$ КХҚБ) ва 1 мл. *Bacillus subtilis* (1мл- 1×10^7 КХҚБ.) *Lactobacillus* ва *Bacillus subtilis* пробиотиклар мажмуасини бериш усули ишлаб чиқилган ва Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг паррандачилик хўжаликларига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 14 августдаги 02/23-333-сон маълумотномаси). Паррандалар салмонеллэзига қарши курашишда маҳаллий *Lactobacillus* ва *Bacillus subtilis* пробиотиклар мажмуасининг қўлланилиши натижасида 87,5 % самарадорликка эришилган ва сарфланган бир сўмга харажатлар қоплами 16,5 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар натижаларини чоп этишга

тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 та хорижий, 5 та республика илмий журналларида, шунингдек 3 та халқаро ва 4 та мақола республика илмий-амалий анжуманлари тўпламларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та услубий тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологиялари ривожлантириш устивор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Паррандалар салмонеллэзининг ижтимоий аҳамияти, этиологияси, кўзгатувчисини хусусиятлари, эпизоотологияси, диагностикаси даволаш ва олдини олишга оид илмий адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби беш қисмга бўлинган бўлиб, ушбу бобнинг «**Паррандалар салмонеллэзининг ижтимоий аҳамияти ва кўзгатувчининг хусусиятлари**» деб номланган биринчи қисмида салмонеллэзининг ижтимоий хавфлилик даражаси, ушбу касалликнинг одамлар орасида тарқалишининг сўнги йиллардаги аҳволи, кўзгатувчининг филогенетик таснифи ва асосий энтеробактериялардан идентификацияловчи хусусиятлари ва чидамлилигига оид адабиёт маълумотлари келтирилган.

«**Паррандалар салмонеллэзининг эпизоотологияси**» деб номланган иккинчи қисмида дунёда ушбу касалликнинг паррандалар орасида сўнги йилларда эпизоотологик ҳолати, этиологик структураси, тарқалиши ва кечишининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган. «**Паррандалар салмонеллэзининг диагностикаси**» деб номланган учинчи қисмида касалликнинг турли шаклларида юзага келадиган клиник, патологоанатомик ўзгаришлар ва уларнинг диагностикадаги аҳамияти баён этилган. Касалликка лабораторияда ташхис қўйишнинг серологик ва бактериологик усуллари тўғрисидаги маълумотлар кенг ёритилган.

«**Паррандалар салмонеллэзини даволаш**» деб номланган тўртинчи қисмида салмонеллэзни даволашда антибиотик, сульфаниламид, нитрофуран ва фторхиналон препаратларининг самарадорлиги ва уларнинг ўзаро (мажмуавий) комбинациялашган ҳолдаги таъсир хусусиятлари шунингдек, уларга салмонелла кўзгатувчиларининг мослашиб қолиши, шунинг учун антибиотикларга қараганда зарарсиз, экологик тоза пробиотик воситаларини уларга алтернатива сифатида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида адабиёт

маълумотлари баён этилган. Адабиётлар шарҳини сўнгги «Паррандалар салмонеллэзининг олдини олиш» деб номланган қисмида касалликнинг умумий ва махсус профилактикаси ҳамда уларда қўлланиладиган воситаларнинг самарадорлиги ҳақида дунё олимларининг хулосалари келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишлари 2019-2021 йиллар давомида Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг айрим паррандачилик хўжаликларидан келтирилган патологик намуналарни бактериологик текширишлар ўтказиш орқали касалликнинг учраш даражаси аниқланган. Тадқиқотларимизнинг экспериментал қисми ВИТИда «Илонсой ломан» паррандачилик хўжалигидан олиб келинган тухум йўналишидаги Ломан Браун ҳамда «Навобот насл парранда» МЧЖ гўшт йўналишидаги «РОСС-308» кроссига мансуб товар хўжалиги бройлер жўжаларида олиб борилди. Паррандаларда салмонеллэз кўзғатувчилари бўлган *S. enteritidis*, *S. typhimurium*ларнинг вирулентлик кўрсаткичлари (ЎД50 ва ЎД100) тухум ва гўшт йўналишларидаги ҳар гуруҳга 6 бошдан 96 бош жўжалар шунингдек, назорат гуруҳларидагилар билан биргаликда жами 120 бош жўжалар аналоглар тамойили асосида танлаб олиниб биосинов қўйиш асосида ўрганилди.

Паррандалардан ажратилган салмонеллэз кўзғатувчиларининг турли антибиотикларга сезувчанлигини ин-витро шароитида дискда диффузлаш усулидан фойдаланиб Enrol-G, 10% ли энрофлаксацин, Intertrim-480 oral, хлорамфеникол, introflor-100 oral антибиотиклар шимдирилган стандарт қоғоз дисклардан фойдаланиб ўрганилди. Юқори сезгирликни намоён этган антибактериал воситалар ёрдамида салмонеллэзни даволаш мақсадида 10 бошдан бўлган 1-тажриба гуруҳига Introflor-100 oral (1л. ичимлик сувига 1мл. микдорда 3-5 кун), 2-тажриба гуруҳига Enrol-G (4 л. ичимлик сувига 1 мл. микдорда 5-7 кун) ва 3-тажриба гуруҳига (1,5 л. ичимлик сувига 1мл. микдорда 3-5 кун) Intertrim-480 oral бериб борилди. 4- ва 5-гуруҳлар назорат сифатида фойдаланилди.

Пробиотикларнинг паррандалар салмонеллэзи кўзғатувчиларига антагонистик фаоллиги бўлган ЎЗР ФА Микробиология институти Пробиотиклар лабораториясида сақланаётган *Lactobacillus* авлодига кирувчи *Lactobacillus plantarum*, *Lactobacillus plantarum* C.3, *Lactobacillus plantarum* O.C., *Lactobacillus plantarum* B-20, *Lactobacillus plantarum* M-1, *Lactobacillus plantarum* T-1, *Lactobacillus sakei*, *Lactobacillus paracasei*, *Lactobacillus rhamnosus*, *Lactobacillus plantarum* G-1, *Lactobacillus paraplantarum* (M-2), *Lactobacillus lactis*, *Weissella cibaria* WC-1, *Weissella cibaria* WC-2, *Weissella viridescens* WV-1, *Weissella paramesenteriodes* *Pediococcus pentosaceus*, *Enterococcus faecium* ва *Bacillus subtilis*нинг *Bacillus subtilis* T-8, *Bacillus subtilis* L.1, *Bacillus subtilis* K.1, *Bacillus subtilis* L.2.1, *Bacillus amylophilus* 9 ҳамда *Bacillus subtilis* D.K. пробиотик штаммларидан фойдаланиб ин-витро диффузли усулларида *Lactobacillus* штаммларни муҳитга томчи томизиш ва *Bacillus* субтилис штаммларни эса,

перпендикуляр штрихлар чизиш усулларидадан фойдаланиб ўрганилди. Турли пробиотикларнинг салмонеллэз касаллиги кўзгатувчиларига қарши профилактик самарадорлигини ўрганиш мақсадида тажрибадаги жўжаларнинг 1-гурухга 1 кунликдан бошлаб салмонелла билан зарарлангунча 1 л. ичимлик сувига 5 мл. Лактобацилус (1мл-2.5x10⁷ КХҚБ.), 2 гуруҳга 1 л. ичимлик сувига 2 мл Бац. субтилис (1мл-1x10⁷ КХҚБ.) ва 3 гуруҳ жўжаларига 1 л. ичимлик сувига 2,5 мл Лактобассилус (1мл-2.5x10⁷ КХҚБ.) + Бац. субтилис 1мл. (1мл-1x10⁷ КХҚБ.) пробиотик аралаштирилиб берилди. Даволаш мақсадида юқоридаги тартиб ва миқдорда пробиотик бериш давом эттирилди. Профилактик ва даволаш мақсадида турли антибиотик ҳамда пробиотиклар бериб борилган гуруҳларда касалланишгача, касалланиш ҳамда касалликдан соғайиш даврида тажрибанинг 1, 4, 7, 10, 13 ва 16-кунлари (охириги назорат гуруҳдаги жўжа ўлгунгача) тажриба ва назорат гуруҳидаги ўлмайд қолган жўжаларнинг тирик вазни ўлчаниб, қайд қилиб борилди.

Диссертациянинг «**Хусусий тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобининг биринчи қисмида «**Паррандалар салмонеллэзининг эпизоотологик ҳолати**»ни ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар натижасида 2019 йил Самарқанд вилояти паррандачилик хўжаликларининг Самарқанд шаҳар “FRESH fruit Box Global Impex” фермер хўжалигидан салмонеллэзга гумон қилиб олиб келинган 24 та патологик намуналарнинг 4 тасида (16,67%) бактериологик текшириш натижасида салмонеллэз аниқланган бир ҳолатда, 2020 йилда ушбу хўжалиқдан текшириш учун олинган 16 та намунанинг бирортасида ҳам салмонеллэзга ижобий натижа қайд қилинмади. 2021 йилда айнан ўша хўжалиқдан бактериологик текшириш учун 12 та намуна олинган эди, уларнинг 3 тасида (25%) салмонеллэз кўзгатувчиси ажратилди. Жами ушбу хўжалиқдан 2019-2021 йиллар давомида 52 бош жўжалардан патологик намуналар олиниб бактериологик текширилганда 7 тасидан (13,46%) сальмонелла кўзгатувчилари ажратилган.

Вилоятнинг Самарқанд шаҳар “Ширин Улуғбек” фермер хўжалигида ҳам қарийб шунга ўхшаш ҳолат кузатилган. Бу хўжалиқда ҳам 2019 йилда салмонеллэзга гумон қилиб олиб келинган 18 та патологик намуналарнинг 2 тасида (11,11%) бактериологик текшириш натижасида салмонеллэз аниқланган. 2020 йилда ушбу хўжалиқдан текшириш учун олинган 5 та намунанинг бирортасида ҳам салмонеллэзга ижобий натижа қайд қилинмаган, 2021 йилда эса ушбу хўжалиқдан бактериологик текшириш учун 5 та намуна олинган, уларнинг 2 тасида (40%) салмонеллэз кўзгатувчиси ажратилган. 2019-2021 йиллар давомида жами 28 бош паррандалардан патологик намуналар олиниб бактериологик текширилганда 4 тасидан (14,29%) сальмонелла кўзгатувчилари ажратилган.

Самарқанд вилоятининг Пахтачи асл қурувчи МЧЖ фермер хўжалигидан салмонеллэзга гумон қилиниб 2019 йилда олиб келинган 42 та патологик намуналарнинг 17 тасида (40,48%) бактериологик текшириш натижасида салмонеллэз аниқланган. Айнан шунга ўхшаш ҳолат ушбу хўжалиқда 2021 йилда ҳам қайд қилинган. Ўша йили ушбу хўжалиқда салмонеллэзга гумон

қилиниб олиб келинган 10 та патологик намунанинг 4 тасида (40,00%) бактериологик текшириш натижасида салмонеллэз аниқланган. Ушбу хўжаликда 2019-2021 йиллар давомида ҳам энг юқори даражада паррандалар орасида (40,38%) салмонеллэз қайд қилинган. Жами 52 бош паррандалардан патологик намуналар олиниб бактериологик текширилганда 21 тасидан салмонеллалар ажратилган. 2021-йилда Мароқанд Парранда МЧЖ фермер хўжалигидан салмонеллэзга гумон қилиниб олиб келинган 32 та патологик намуналарнинг 10 тасида (31,25%), Афросиёб парранда МЧЖ фермер хўжалигидан олиб келинган 18 та патологик намуналарнинг 6 тасида (33,33%), Каттакўрғон парранда МЧЖ фермер хўжалигидан олиб келинган 5 та патологик намуналарнинг 1 тасида (20,00%) бактериологик текшириш натижасида салмонеллэз аниқланган.

Паррандалар орасида эпизоотологик ҳолат ўрганилаётган Жиззах вилояти хўжаликларида ҳам қарийб шундай ҳолат қайд этилди. Ушбу вилоятнинг Ғаллаорол туман “Шовотсой” МЧЖ фермер хўжалигидан 2019 йилда салмонеллэзга гумон қилиб олиб келинган 7 та патологик намуналарнинг 2 тасида (28,57%), 2020 йилда – 12 тадан 4 тасида (33,33%) ва 2021 йилда 15 та патологик намуналарнинг 4 тасида (26,67%) бактериологик текшириш натижасида салмонеллэз аниқланган. Шунингдек, ушбу вилоятнинг “Сангизор парранда” МЧЖ фермер хўжалигида ҳам 2019 йилда олиб келинган 4 та патологик намуналарнинг 1 тасида (25,00%), 2021 йилда 6 та патологик намуналарнинг 2 тасида (33,33%) бактериологик текшириш натижасида салмонеллэз рўйхатга олинган. Қашқадарё вилоятида ҳам тадқиқотлар ўтказилган 2 та паррандачилик хўжаликларида 2019 йилда 30,77% паррандаларда, 2020 йилда 25,00% ва 2021 йилда 21,73% паррандаларда тўлиқ бактериологик текширишлар натижасида салмонеллэз қайд қилинган.

Шундай қилиб, юқорида таъкидланган учала вилоятда 2019-2021 йиллар давомида 10 та паррандачилик хўжаликларидан жами 287 бош паррандалардан ушбу касалликка гумон қилиниб патологик намуналар олиб келинган ва улар махсус ветеринария лабораторияларда обдон клиник, патологоанатомик, бактериологик текширишлар натижасида 76 бошида ўртача 26,48% паррандаларда салмонеллэз мавжудлиги аниқланган.


Паррандалар салмонеллэзи диагностикасида эпизоотологик маълумотларни, клиник белгилар ва патоморфологик ўзгаришларни таҳлил қилиш дастлабки ташхис қўйишга асос бўлади. Якуний диагноз тўлиқ бактериологик текширишлар асосида қўйилади. Паррандалар салмонеллэзи бошқа энтеробактериялар билан бирга кечган ҳолатларда патологик намуналарни бактериологик текширишда салмонеллаларни соф ҳолда ажратиш учун махсус дифференциал озуқа муҳитларидан фойдаланиш энг муҳим диагностик аҳамиятга эга.

Диссертациянинг «**Паррандалар салмонеллэзи диагностикасининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган бўлимида паррандалардан олинган патологик намуналарни бактериологик текширишлар натижасида салмонелла қўзғатувчиларининг этиологик таркиби ўрганилди. Бунда *E.coli* ҳамда салмонелла турларини бир биридан фарқлаш учун 7 турдаги Висмут – сульфит

агари, Эндо, Плоскирев, Салмонелла-Шигеллосис "SS" агари, ХЛД агари, Бриллиант яшил агари ва Левин (эозинметиленагар ёки ЭМА) каби дифференциал диагностик озика муҳитлардан фойдаланиб қуйидаги натижалар олинди (1-расм).

Дастлабки 2019-йилда келтирилган намуналар текширишганда жами 30 бош паррандаларда салмонеллалар ажратилган. Шундан, 63,30 % *S. enteritides*, 16,70% *S. typhimurium*, 13,30 % *S. gallinarum-pullorum* ва 6,70 % бошқа тур салмонелла кўзгатувчилари аниқланган. 2020-йилда жами 9 та ижобий натижалардан *S. enteritides* 66,70%, *S. typhimurium* ва *S. gallinarum-pullorum* мос равишда 22,20%, 11,10 % ни ташкил этди ҳамда бошқа тур салмонеллалар учратилмади.

2021-йилда жами 37 та намунадан салмонеллаларга ижобий натижа олинган. 64,90 % патологик намунада *S. enteritides*, 16,20% *S. typhimurium*, 13,50% *S. gallinarum-pullorum* ва қолган 5,40% намунада салмонелла авлодига кирувчи камроқ учрайдиган бошқа кўзгатувчилар аниқланган.



1-расм. Паррандачилик хўжаликларидан салмонеллэзга гумон қилиниб келтирилган намуналарни бактериологик текшириш натижалари

2019-2021 йиллар мобайнида ўтказилган диагностик текширишлар натижаларига кўра, 3 йил давомида жами салмонеллэзга гумон қилиб олиб келинган 287 та патологик намунадан 76 та ҳолатда салмонелла кўзгатувчилари ажратилган. Ўтган йиллар давомида *S. enteritides* 49 та ҳолатда қайд этилиб, бу жами 76 намунанинг 64,50% ни ташкил этади. Шунингдек, 13 тасидан *S. typhimurium* ажратиб олинган, унинг улуши 17,10%ни ташкил қилмоқда. *S. gallinarum-pullorum* эса жами намуналарнинг 10 тасидан ажратилган, бу 13,20% салмонеллэз касаллигининг сабабчиси бўлганлигини кўрсатади. 4 та намунада (5,3%) юқорида қайд этилган кўзгатувчилардан

бошқа салмонелла серотурлари бўлиб, улар жуда кам учрайди, баъзи йилларда бизларнинг тадқиқот объектларимизда кузатилмайди.

Шундай қилиб, паррандаларда салмонеллэзни асосан *S.enteritides* (64,40%), *S.typhimurium* (17,10%), *S.gallinarum-pullorum* (13,20%) ва кам ҳолларда бошқа салмонеллалар (5,30%) кўзғатиши аниқланди.

Инфекцион касалликларга ташхис қўйишда нафақат кўзғатувчини соф ҳолда ажратиш, турини фарқлаш, балки салмонеллаларнинг патогенлигини биосинов орқали аниқлаш талаб этилади. Шу билан бирга у биологик препаратлар, иммун зардоблар ва даволовчи воситаларнинг самарадорлигини ўрганишда ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. Шунинг учун паррандалар салмонеллэзида ўткир экспериментал тажрибалар ўтказиш орқали ушбу касалликни келтириб чиқарувчи асосий кўзғатувчилар *S.enteritides* ва *S.typhimurium*ларнинг вирулентлик кўрсаткичлари $\checkmark D_{50}$ ва $\checkmark D_{100}$ ни ўрганишни муҳим вазифа қилиб олинди.

Тухум йўналишидаги ва бройлер жўжаларида ўтказилган экспериментал тадқиқотларда *S.enteritidis* ва *S.typhimurium* штамmlарининг $\checkmark D_{50}$ ҳамда $\checkmark D_{100}$ миқдорини аниқлаш натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Паррандалар салмонеллэз кўзғатувчиларининг $\checkmark D_{100}$ ва $\checkmark D_{50}$ миқдорини аниқлаш натижалари

Маҳсулдорлик йўналиши	Зарарланган салмонелла кўзғатувчилари	Вирулентлик кўрсаткичи	Зарарланган микроб миқдори (КХҚБ)
Тухум йўналишидаги жўжаларида	<i>S.enteritidis</i>	$\checkmark D_{100}$	800×10^6
		$\checkmark D_{50}$	400×10^6
	<i>S.typhimurium</i>	$\checkmark D_{100}$	600×10^6
		$\checkmark D_{50}$	338×10^6
Гўшт йўналишидаги бройлер жўжаларида	<i>S.enteritidis</i>	$\checkmark D_{100}$	120×10^7
		$\checkmark D_{50}$	733×10^6
	<i>S.typhimurium</i>	$\checkmark D_{100}$	120×10^7
		$\checkmark D_{50}$	831×10^6

Салмонелла штамmlарининг вирулентлик кўрсаткичлари тухум йўналишидаги жўжаларда *S.enteritidis* нинг $\checkmark D_{100}$ ва $\checkmark D_{50}$ кўрсаткичлари мос равишда 800×10^6 ва 400×10^6 , *S.typhimurium*нинг $\checkmark D_{100}$ ва $\checkmark D_{50}$ миқдори - 600×10^6 ва 338×10^6 микроб танача эканлиги аниқланди. Бройлер жўжаларида эса бу кўрсаткич сезиларли фарқ қилиб, *S.enteritidis* нинг $\checkmark D_{100}$ ва $\checkmark D_{50}$ миқдори мос равишда 120×10^7 ва $733,3 \times 10^6$, *S.typhimurium*нинг $\checkmark D_{100}$ ва $\checkmark D_{50}$ дозаси - 120×10^7 ва 831×10^6 микроб таначага тўғри келди.

Паррандалар салмонеллэзида ўткир экспериментал тажрибалар ўтказиш орқали гўшт йўналишидаги бройлер жўжаларда *S.enteritidis* нинг 100% ўлим келтириб чиқара оладиган микроб дозаси тухум йўналишидаги жўжалардаги худди шу кўрсаткичга нисбатан 0,5 марта, 50 % жўжаларда ўлим келтириб

чиқариши мумкин бўлган миқдори эса, қарийб 2 марта (1,87 марта) юқори эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга *S. typhimurium*нинг бройлер жўжаларда 100% ўлим келтириб чиқараоладиган микроб сони тухум йўналишидаги жўжалардаги худди шу кўрсаткичга нисбатан 2 баробар, 50 % жўжаларда ўлим келтириб чиқариши мумкин бўлган миқдори эса, 2,46 марта юқори эканлиги экспериментал тажрибаларда исботланди. Касаллик кўзгатувчи штаммларнинг вирулентлик кўрсаткичи ўзаро таққосланганда бройлер жўжалар учун *S. enteritidis*, тухум йўналишидаги жўжаларга эса, *S. typhimurium* вирулентлироқ эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Паррандалар салмонеллэзига қарши замонавий даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш**» деб номланган учунчи бўлимида паррандалар салмонеллэзига қарши замонавий даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган ин-витро ва ин-виво тажрибалар натижалари берилган. Паррандалар салмонеллэзига қарши замонавий даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ажратилган салмонелла штаммларини антибактериал препаратларга сезувчанлигини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

2-жадвал.

Паррандалар салмонеллэзи кўзгатувчиси *S. enteritidis* нинг антибактериал препаратларга сезувчанлигини аниқлаш натижалари

№	Препарат номи	Култура ўсмаган худуд диаметри (мм)	Баҳоланиши
1	Introflor-100 oral	23	Сезувчан
2	Энрофлаксацин 10%	11	Кам сезувчан
3	Хлорамфеникол	7	Жуда кам сезувчан
4	Enrol-G	20	Сезувчан
5	Intertrim-480 oral	24	Сезувчан


Ин-витро тажрибаларда Introflor-100 oral 23 мм, Enrol-G 20 мм ва Intertrim-480 oral 24 мм диаметр худуддаги бактериаларни ўсишини тўхтатиши аниқланди. Шунингдек, паррандалардан ажратилган салмонелла штаммларига 10% энрофлаксацинни кам сезувчанлиги, хлорамфеникол эса, энг паст сезувчанликни (7 мм) номоён қилиши аниқланди. Юқоридаги ин-витро тадқиқотларимиз натижаларини таҳлили, паррандалар салмонеллэзи кўзгатувчисига қарши 3 турдаги Introflor-100 oral, Enrol-G ва Intertrim-480 ораларидан ушбу касалликни даволашда фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Ушбу антибиотикларни ин-виво ҳолатда экспериментал салмонеллэзда қўллаш натижасида самарадорликни аниқлашга бағишланган тадқиқотлар 2-расмда келтирилган.

1-тажриба гуруҳида Introflor-100 oral антибиотигининг даволаш самарадорлиги 50%, Enrol G бериб борилган 2-тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 60% ва ниҳоят Intertrim-480 oral бериб борилган 3-тажриба гуруҳида 70% бўлиши кузатилди. Шундай қилиб лаборатория шароитида кўзгатувчиларнинг

антибиотикларга сезувчанлигини ўрганган ҳолда таркиби мураккаб бўлган Intertrim-480 oralдан фойдаланиш юқори натижани олишга ёрдам беради.

Салмонеллезини даволаш ва олдини олиш учун муқобил даволаш усуллари ишлаб чиқишда антибиотикотерапия билан бир қаторда экологик хавфсиз пробиотикотерапиядан фойдаланиш талаб этилади.

Патогенларни назорат қилиш ва микроорганизмларнинг чидамли штамmlарининг кўпайишини олдини олишда пробиотиклар ва уларнинг ҳосилаларидан фойдаланиш анъанавий антибиотиклар билан даволашнинг истиқболли алтернатив усули ҳисобланади.



2-расм. Бройлер жўжаларида салмонеллезни даволашда антибактериал воситалардан фойдаланишнинг терапевтик самарадорлиги

